

# ДОКТОРАНТ ИҚТИСОДЧИЛАР ЖАМБОРИСИ

1 - 5 МАЙ

Танловда иштирок этиш учун инглиз тилида резюме ва Жамборида тақдим этиладиган мақолани [research@wiut.uz](mailto:research@wiut.uz) электрон почта манзилига

**2018 йил 6 апрелгача** юбориш лозим

Тўлиқ маълумот учун:

<http://www.wiut.uz/research>

Телефон: +998 71 238 74 15



## ДОКТОРАНТ-ИҚТИСОДЧИЛАР ЖАМБОРИСИ



Докторлик таълими соҳасидаги сўнги ислохотлар ва эмпирик маълумотлар асосида ижтимоий ва иқтисодий сиёсатни ишлаб чиқишга талаб ортиб бораётган бир пайтда, иқтисодиёт ва унга алоқадор ижтимоий фан соҳаларидаги докторантларни энг сўнги илмий ютуқларга мувофиқ равишда тайёрлаш энг устувор масалалардан бирига айланмоқда.

Тошкент шаҳридаги Халқаро Вестминстер Университети (ТХВУ) ва Ўзбекистон Республикаси Олий ва Ўрта Махсус Таълим Вазирлиги ҳамкорлигида 2018 йилнинг 1-5 май кунлари Ўзбекистон докторант-иқтисодчилари учун Жамбори ташкил қиладилар. Мазкур тадбирнинг мақсади иқтисодиёт ва унга алоқадор ижтимоий фанлар докторантлари ва мустақил изланувчилари орасида илмий ҳамкорликни ривожлантириш ўзларининг тадқиқотларини тажрибали изланувчилар билан муҳокама қилиш учун платформа яратиш ҳамда иқтисодий таҳлил қилишнинг замонавий усуллари бевосита илмий изланишларда қўллаш ва ривожлантириш учун имконият яратишдир.

Тадбирнинг кириш қисми ТХВУнинг тажрибали изланувчиларининг иқтисодий таҳлил қилишнинг замонавий усуллари ва импакт фактори бор журналларда илмий натижалар чоп этишжараёни ҳақидаги маърузалари билан бошланади. Жамбори давомида ишгирикчилар илмий мақолаларини тақдим этишга ва шу мақрлалар бўйича танқидий баҳо олишимкониятига эга бўладилар. Бундан ташқари, ҳар бир ишгирикчи ўзининг изоҳлари билан бошқа ишгирикчиларнинг ишларини яшилашга ёрдам бериши ва илмий тадқиқотнинг кейинги поғонасига тайёрлаши мумкин.

Барча докторантура тингловчилари (PhD дастурлари талабалари), шунингдек, докторлик диссертацияси устида ишлаётган ёки келажакда иш олиб боришни мўлжаллаётган тадқиқотчилар жамборида ишгирик этиш учун таклиф этиладилар.

Жамбори ишгирикчилари тақдим этган мақолаларининг академик сифати ва тадқиқот олиб боришга бўлган ишгиёки асосида танлаб олинадилар. Барча йигилишлар ТХВУ ҳудудида бўлиб ўтади. Барча тақдимотлар ва музокаралар инглиз тилида бўлади. Танловда ишгирик этиш учун қуйидаги материалларни 2018 йилнинг 6 апрелгача [research@wiut.uz](mailto:research@wiut.uz) электрон почта манзилига юбориш лозим:

- Инглиз тилида резюме (2 бетдан кўп бўлмаслиги керак)
- Жамборида тақдим этиладиган мақоланинг нусخаси. Агар мақола тугалланмаган бўлса, 2018 йилнинг 26 апрелигача тўлиқ мақрлани юбориш шarti билан тугалланмаган мақрлани юборишнинг мумкин.
- Докторантлар учун: докторант статусини тасдиқлайдиган ташкилот ёки олийгоҳнинг гербли бланкида ёзилган хат.
- Мустақил тадқиқотчилар учун: ишгирикчи нега ва қайси илмий-тадқиқот муассасасида докторлик диссертацияси устида ишламоқчилиги ҳақида эссе (500 та сўздан кўп бўлмаслиги керак)

Қўшимча маълумот учун:  
Email: [kinomkhodjaev@wiut.uz](mailto:kinomkhodjaev@wiut.uz)  
Тел: +99871 2387415

*Ташкилотчилардан изоҳ: Ҳиндулар тилидан таржима қилинганда, Жамбори, йиғилиш ёки қурилтой маъносини англатади. Яни, бундай қурилтойларда ишгирикчилар ўзларининг маҳоратларини кўрсатадилар, малакаларини оширадилар, тажриба алмашадилар ва бир-бирлари билан танишадилар. Докторантлар Жамборисида турли олий ўқув юртлари докторант изланувчи ва тадқиқотчилари илмий семинарлар шаклида ўзларининг илмий ишларининг натижаларини тақдим этиб, қизгин муҳокама қиладилар. Бундай Жамборилар Фарбий Европа ва Шимолий Америка илмий марказларида одатий ва машҳур тадбирлардан бирига айланган. Қўлингизда Жамборида ишгирик этиш эвазига, докторантлар докторантура дастурида талаб қилинган академик кредитлар йиғишлари мумкин.*



## МАҚОЛА МАЗМУНИ БЎЙИЧА ТАЛАБЛАР



- **Тадқиқотнинг мақсади:** Тадқиқотнинг вазифасини янада аниқ ойдинлаштириш ва гипотеза(лар)ни шакллантириш. Гипотеза(лар)ни илмий нуқтаи назардан муҳимлигини таърифлаб бериш. Тадқиқотлар доирасида ушбу гипотеза назарий жиҳатдан исботланган ёки амалий текширилган бўлиши керак. Бунда, тадқиқотнинг асосий мақсади иқтисодий ҳодисаларни тушунтириши керак.
- **Амалий аҳамияти:** Лойиҳа мазмуни иқтисодий ёки ижтимоий сиёсат билан боғлиқ бўлиши лозим. Муаммони ҳал қилишнинг муқобил йўллари қисқача шарҳланг. Лойиҳангизнинг янги иқтисодий сиёсат параметрлари ва ёки қонунийликни такомиллаштириш ва ёки ривожлантиришдаги амалий аҳамиятини тушутиринг.
- **Адабиёт шарҳи:** Мавзу бўйича мавжуд натижаларни ва уни ўрганиш учун амалдаги ёндашувларни тушутиринг ва баҳоланг. Фақатгина муаллифлар рўйхати билан чекланманг. Агар амалдаги назарий моделга ўзгартириш киритиш таклифи мавжуд бўлса, унинг расмий тузилмасини кўрсатинг. Эмпирик тадқиқот ишларида, бошқа тадқиқотчилар томонидан (бошқа ҳудудлар бўйича, иқтисодий ёки ўтишдаврида бўлган давлатлар бўйича) топилган натижаларни ва сизнинг ёндашувингизнинг ўзига хослигини муҳокама қилиш муҳим.
- **Тадқиқот методологияси:** Ўтказилган тадқиқот методологияси таҳлилда ишлатилган ўзгарувчанларни ҳисоблаш усуллари, манбалари, тузилиши, танловни тузиб чиқиш асосий кўрсаткичларнинг математик тавсифи, (назарий модел тузилган ҳолларда) модел ва маълумотлар орасидаги алоқа кўриб чиқишнинг ўз ичига олган бўлиши керак. Эконометрик ёндашув қўлланган тақдирда: модел шаклланишининг дастлабки тавсифи, жумладан иқтисодий назария нуқтаи назаридан мустақил ва мустақил бўлмаган ўзгарувчанларни ҳисоблаш усуллари; тадқиқотнинг фарз қилинган (ёки эришилган) натижалари ва уларнинг амалий аҳамиятини шарҳлаш усуллари тақдим этиш лозим.